



# O'zbekiston ovozi

ITIHOMIY-SIYOSIY GAZETA

1313 YIL 21- IYUNDA CHIDA BOSHLAGAN

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

+4°C

Bugun Toshkentdagi havo o'chik

• O'zbekcha • [Ruscha](#)

Bosh sahifa

Tahririyat

Ruknlar

Taklif va mulohazalar

Aloqalar

Obuna

Bugun: 14.11.2012

0 212

2012 YIL MUSTAHKAM OILA YILI





Sahifani o'zlash

Qidiruv

18.11.2012



«O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGI» MAHALLASIDA...

Bu kun davom etgan qizg'ini bahlar yalindasi bo'lib sovrin «O'zbekiston mustaqilligi» mahallalarida «Sa'fardor» futbolchilariga taqdim etildi.





Fotogaleriya

Video galeriya

◀

Chiqargi sonida Ko'p o'qilgan maqolalar Dolzarb mavzu

Arxiv

1

Izlash

«O'zbekiston ovozi» saytida o'qing

**BOLA HUQUQLARI KAFOLATI MUSTAHKAMLANMOQDA**

**www.uzbekistonovozi.uz**

# ИЖТИМОЙ СОҶАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Мамлакатимизда сўнгги йилларда ижтимоий соҳаларни, хусусан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим тизимини ривожлантиришга кучли эътибор қаратилаётгани, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини юксалтириш, ЎзХДП Сайловолди дастурининг устувор йўналишларини амалга ошириш жараёнида бу муҳим аҳамият касб этиши фракция йиғилишида қайд этиб ўтилди.

Дунёда ҳали бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда унинг оқибатларидан сақланишга, аҳолини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга долзарб вазифа сифатида қаралаётганини фракция аъзолари алоҳида таъкидлашди.

**Улуғбек ХОЖИБЕКОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, энг аввало, инсон манфаатларини, ҳар бир инсон учун муносиб турмуш ва меҳнат шартлири яратиш беришни назарда тутди. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда асосий эътибор ижтимоий муҳофаза қафолатларини таъминлашга, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Бюджет лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамасида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш,

кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ривожлантириш масалалари эътиборимизда бўлди. Мазкур соҳаларнинг замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирилиши партиямиз дастурий мақсадлари амалга ошиши билан ҳамохангдир.

Депутатлар бюджет сиёсатининг 2013 йил учун асосий йўналишлари бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишга, Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга қаратилганлини таъкидлашди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг Давлат бюджетидagi ўлуши 2012 йилда 58,8 фоизни ташкил этиши, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 59,2 фоизгача етиши кутилмоқда.

**Улуғбек ЗОКИРОВ**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— 2013 йил учун бюджет сиёсатининг концепциясида қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилиши, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати яхшиланишини изчил давом эттириш, шу билан бирга, бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш алоҳида эътиборга олинган.

Аҳоли манзилли ижтимоий қўллаб-қувватланиши, партиямиз электоратининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорлари оширилиши партиямиз дастурий мақсадларига хизмат қилишини фракциямиз аъзолари алоҳида эътироф этади.

Таъкидлаш жоизки, кам таъмин-

ланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш нафақалари учун 2013 йилда ажратилиши таклиф қилинаётган маблағлар 2008 йилдагига нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир.

Келгуси йилда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг энг паст ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш назарда тутилган. Бу барча тоифалардаги, айниқса, кам даромадли солиқ тўловчиларга солиқ юқини пасайтиришни назарда tutиши, шу орқали аҳоли даромадларини янада ошириш имконини яратиши билан аҳамиятли, албатта. Фуқароларнинг жамғариб борилadиган шахсий ҳисоб варақаларига жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳисобидан маблағларни ўтказиш тартиби 1 фоиз миқдоридида сақланиши жисмоний шахслар ихтиёрида қўшимча маблағлар қилишини назарда тутди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан сўнгги йилларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини ошириш бўйича қўрилган чоратадбирлар ҳисобида аҳоли даромадлари ва фаровонлиги сезиларли даражада ортгани қайд этиб ўтилди.

2013 йилда ҳам иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ижтимоий тўловлар миқдори икки босқичда, 1,29 баробар оширилиши кўзда тутилмоқда.

Тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва тўлиқ таъмирлаш ҳамда уларни жиҳозлаш Дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан ташқари, ушбу тизимни янада ривожлантириш ва соғлом авлодни вояга етказиш бўйича қабул қилинган дастурларда назарда тутилган барча тадбирларнинг молиялаштирилиши фракция аъзолари, эксперт ва мутахассислар томони-

дан ижобий ҳол сифатида баҳоланди.

**Шунингдек, депутатлар 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасида соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори-дармонлар ва озик-овқат харажатларини 2012 йил учун тасдиқланган параметрларга нисбатан 1,15 баробарга кўпайтириш назарда тутилгани аҳоли саломатлигини мустақамлаш йўлида муҳим қадам эканини айтиб ўтишди.**

Йиғилишда депутатлар, мутасадди вазирлик ва идоралар мутахассислари давлат молия тизимида олиб борилаётган ўзгаришлар ва уларнинг истиқболлари ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

Хусусан, республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилadиган ижтимоий соҳа харажатларини шакллантириш, харажатларни молиялаштиришининг янги шакл ва усулларидан самарали фойдаланиш, бюджет тақчиллиги ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш, иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашга эришиш, бюджет интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш, мазкур жараёнда назоратни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, бу борадаги ишларни янада тизимли ташкил этиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Йиғилиш сўнггида ЎзХДП фракцияси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қўллаб-қувватлади.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Бошланғич ташкилот — асосий таянч!

# ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИ АМАЛГА ОШИШИ

ЭНГ АВАЛО, ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИДАН БОШЛАНАДИ

СИЁСІЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВКЕИ ОРТИШИДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. ЧУНКИ, ҚУЙИ БЎҒИН ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА БЎЛГАНИ УЧУН ҲАЁТИЙ МУАММО ВА ТАКЛИФЛАРНИ ЯХШИ БИЛАДИ. БПТ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ОРҚАЛИ СИЁСІЙ ПАРТИЯ ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАДИ.

— Вилоятимизда партиямизнинг 850га яқин бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, — дейди **ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Мухаммаджон Йўлдошев.** — Уларга 25 мингдан ортиқ партия аъзолари бирлашган.

Биз қуйи ташкилотлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш мақсадида етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, аъзоларнинг сиёсий

жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш, бошқаларга ўрнак намунасини кўрсатаётган бошланғич ташкилотлар ишини оммалаштиришга ҳаракат қилаёямиз.

Андижон шаҳри, Избоскан ва Қўрғонтепа туман партия кенгашларида бошланғич ташкилотлар ишини фаолаштириш бўйича яхши тажриба тўпланган. Избоскан туманидаги 46 та БПТ орасида мудофаага қўмаклашувчи «Ва-

танпарвар» ташкилоти, Қўрғонтепа туманидаги 49 та БПТ ичида туман тиббиёт бирлашмасидаги ташкилотлар фаолияти эътирофга моликдир.

— Вилоят партия кенгаши томонидан ўтказиладиган тадбирлар, семинар-тренингларда туманимиздаги қуйи ташкилот етакчилари ҳамда партия аъзолари фаол иштирок этиб келади, — дейди **ЎзХДП Қўрғонтепа туман кенгаши раиси Зулхумор Каримова.** — Туманда 1500 га яқин партия аъзоси бор.

Жорий йилнинг шу даврига қадар бошланғич ташкилотларда эллиқдан ортиқ тадбирлар, хусусан, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўқувлар, давра суҳбати ва семинарлар ташкил этилди. Бу тадбирларга ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва бошқа мутахассислар таклиф этилмоқда. Айниқса, «Сиёсий фаоллик ва фуқаролик масъулиятини оширишда ЎзХДП тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташки-

лотлар ҳамкорлигини таъминлаш», «Партия электорати билан ишлашнинг ташкилий асосларини мустақамлаш», «Сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш» мавзуларидаги семинар-тренинг ва давра суҳбатлари фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

— Бошланғич ташкилотимиз 30 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган, — дейди **Андижон шаҳридаги «Имкон қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган БПТ етакчиси Хайдар Кодиров.** — Партия аъзолари билан ҳафтанинг бир кунини йиғилиб, турли масалаларни муҳокама этамиз. Унда мамлакатимизда кенаётган муҳим воқеалар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида фикр юритамиз. Мамлакатимизда ва жаҳонда кенаётган жараёнларни ўзаро таққослаймиз. Бунда партия аъзоларининг мустақил фикрини шакллантиришга эътибор қаратаёямиз. Ушбу тадбирларда нафақат партия аъзолари, қорхонамизнинг бизга хайрихоҳ бўлган ходимлари ҳам иштирок этади. Шу боис аъзоларимиз сони ҳам ортиб бораёпти.

Албатта, бу билан Андижон вилоят партия ташкилотлари-

нинг барчасида ҳам қуйи ташкилотлар билан ишлаш талаб даражасида олиб борилаёпти, деган фикрдан йироқмиз. БПТ етакчилари орасида ўзининг фаолиятини тизимли йўлга қўймаган, юқори партия ташкилоти ва электорат олдиндаги масъулиятини ҳис этмайдиган, ташаббус кўрсатмаётганлари ҳам йўқ эмас.

Тахлилларга кўра, Бўз, Хонобод ҳамда Шаҳрихон туман кенгашларида ана шу каби ҳолатни кузатиш мумкин. Айрим бошланғич ташкилотларда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган тадбирлар деярли ташкил этилмади.

Ҳозир вилоят партия кенгаши томонидан ушбу туманлар кенгашлари таркибидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, партия олдидаги энг муҳим вазифалардан бири қуйи бўғин фаолиятини бугунги кун талаби даражасида кучайтиришдир. Қачонки, БПТга қуйи ташкилот, деб эмас балки, партиянинг асоси, таянч кучи сифатида қаралса, шундагина партия-мизнинг жамиятдаги мавқеи янада мустақамланади.

**Нурали ОРИПОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЯҚИНДА КАРМАНА ТУМАНИДА ЛОЙИҲАНИНГ НАВОЙИЙ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

# ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

кўп жиҳатдан ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга боғлиқ

Унда Навоий вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, молия ва солиқ бошқармалари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, фаоллари ҳамда электорат вакиллари иштирок этиди.

Сўзга чиққанлар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, хусусан, иш билан таъминлаш, бу борада партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтишди.

— Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди **Навоий вилоят партия кенгаши раиси Шерали Умаров.** — Хусусан, йилдан-йилга иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори ошиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Шу билан бир қаторда аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини мунтазам ўрганиш, фармон ва қарорлар бажарилиши самарадорлигини янада ошириш талаб этилмоқда. Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсадлардан бири электорат вакиллари йўналтирилган муаммоларни ҳал этиш борасида ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан бирга муқobil таклифлар ишлаб чиқиш, шу асосда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияси ва сессияларига электорат манфаатлари ни ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни олиб чиқишдир.

Лойиҳанинг дастлабки босқичларида маҳалларда истиқомат қилаётган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар борасидаги фикрлари ўрганилди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Лойиҳанинг вилоят босқичида буларнинг барчаси яна бир бор таҳлил этилди.

— Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш-

нинг энг мақбул шакли, аввало, одамларни барқарор даромадли иш билан таъминлаш, албатта, — дейди **халқ депутатлари Кармана туман Кенгаши депутати, ЎзХДП аъзоси Комил Очилов.** — Шу сабабли лойиҳа доирасида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини ўрганиш, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган фуқаролар бандлигини таъминлашга қўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Бу ўз самарасини бермоқда.

Масалан, тадбирлар давомида иш билан таъминлаш масаласида 100 дан ортиқ мурожаат бўлди. Шунинг билан ўзини ўзи бошқариш органлари билан бирга бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Натижада электорат вакиллари билан 300 нафарга яқини доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Маҳалламизда касаначилар сафи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди **Кармана туманидаги «Дўрмон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иштиёр Қўлматов.** — Хунарамандлар ишлаб чиқариш қорхоналари билан шартномалар тузиб, маҳсулотлар етказиб беришарди. Муҳими, шу иш билан шуғулланиш истиғини билдираётганлар оз эмас.

**Қувонарлиси, маҳалламиз аҳолининг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораёпти. Шу боис манзилли ижтимоий ҳимояга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Шунингдек, тадбир давомида йил бошидан буён партия депутатлик гуруҳлари ва фаоллари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, маҳалла ва партия ҳамкорлигида ўтказиладиган тадбирларнинг амалий аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Лойиҳа доирасида энг фаол маҳаллалар касаначиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда оилаларни мустақамлаш номинациялари бўйича тақдирланди.

**Илҳом САТТОРОВ,**  
**Феруза ҚОДИРОВА**

**БПТ етакчилари орасида ўзининг фаолиятини тизимли йўлга қўймаган, юқори партия ташкилоти ва электорат олдидаги масъулиятини ҳис этмайдиган, ташаббус кўрсатмаётганлари ҳам йўқ эмас.**

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

ТАЛАБА-ЁШЛАРИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИГА

ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯДИР

Тахририятимизга талабалар ва уларнинг ота-оналаридан келадиган хатларда айнан таълим кредитларининг афзалликлари, олиш тартиби, талаблари, зарур бўладиган ҳужжатлар ҳақида сўралаётганини ҳисобга олиб, **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори Сардор НОРМУХАМЕДОВ**га мурожаат қилдик.

— Аввало, таълим кредитларининг ҳуқуқий асослари ҳақида қисқача тўхталсангиз?

— Утган йиллар мобайнида Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида турган долзарб масалалардан бири — бу таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий Давлат дастурининг бажарилиши, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, ёшларимиз замон талабларига мос равишда таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш бўлди, — дейди у. — Шунингдек, олий маълумотга эга бўлаётган ёшларни ижтимоий муҳофиза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлда «Олий ўқув юртиларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида» Низом» ҳам тасдиқланди. Унга кура республикаимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари томонидан мамлакатимиз олий ўқув

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлаш бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон

**Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашилади.**

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибadorликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истикболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва

материаллардан фойдаланган ҳрлда махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ УЧУН:**  
**Тел:** +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;  
**Web-site:** www.ffpd.uz;  
**E-mail:** pdf.fund@gmail.com.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Ассатулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.  
**Мўлжал:** «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашга қатнашиш учун

БҮЮРТМАНОМА

1. \_\_\_\_\_  
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. \_\_\_\_\_  
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)
4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— Инвестиция таклифи;

— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_  
(Имзо, муҳр) (Ф. И. О.)

фарзандлари тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

Қарз олувчилар юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан бир қаторда фуқаролик паспортини шахсан кўрсатдилар.

Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидагилардан бирини банкка тақдим этиши керак:

- мол-мулк ёки қимматли қозғоларни гаровга қўйиш;

— банкнинг кафолати;

— учинчи шахснинг кафилилиги;

— суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади. Ушбу белгиланган тартиб таълим кредити олишнинг энг ихчам, содда ва қулай йўли бўлиб, уни олишда ҳеч қандай қийинчилик тўғдирмайди.

— **Таълим кредитлари талабага расмийлаштирилади ми ёки уларнинг ота-оналарига? Шунингдек, яратилаётган имтиёзлар ҳақида ҳам маълумот берсангиз?**

— Тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки василларига берилади.

Шунингдек, уларга бериладиган кредитлар имтиёзлидир. Унинг имтиёзга эгалиги, биринчидан, юқорида тилга олинган қарорнинг 3-бандида кўрсатилганидек, чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оила

лар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига фоизсиз таълим кредитлари берилади. Кам таъминланган оила фарзандлари эса кредит учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоизда ҳисобланган сумманинг фақат 50 фоизини тўлайдилар. Қолган 50 фоизи эса Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Таълим кредити учун тўланадиган фоиз ставкаси юқори даражаси чегараланади. Яъни, бундай ҳолатда тижорат банклари жуда паст фоизларда, ҳатто фоизсиз кредит беришлари мумкин.

Шу билан бирга шартнома суммасининг иккига бўлиб тўланиши натижасида тўланадиган фоизлар суммаси анча пасаяди.

Ушбу кредитларни қайтаришда имтиёзли давр мавжуд. Таълим кредитларини қайтариш талаба ўқишни тугаллаганидан сўнг уч ой ўтганидан сўнг бошланади. Ушбу имтиёзнинг аҳамияти шундан иборатки, тўлов-контракт асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган талаба ёки унинг ота-онаси тўрт йилдан ортиқроқ муддатга олинган кредит бўйича асосий қарзни қайтаришдан озод бўладилар.

Маъзур кредитларнинг узоқ муддатли эканлиги Олий таълим муассасасига, бакалавриатга қабул қилинган талабаларга таълим кредитлари 10 йил муддатга, магистратурага қабул қилинган талабаларга 5 йил муддатга берилади. Маълумки, ушбу муддатларда иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасининг ошиши натижасида олинган кредитларнинг қайтарилиши оила бюджетига катта таъсир кўрсатмай-



Муҳимжон КОДИРОВ (ўза) олган сурат.

ди ва талабанинг ўзи ўз даромади асосида кредитни қайтариш имконига эга бўлади. Шу билан бирга талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда олинган таълим кредитларидан фойдалангани учун фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди. Бу ҳам таълим кредитлари бўйича ёшларимиз учун яратилган имтиёз бўлиб, олинган кредитлар учун тўланадиган фоизлар сўммасини камайтиришга қаратилган. Қолаверса, ёшларга ва уларнинг ота-оналарига янада ижтимоий ҳамда иқтисодий енгилликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-бандига мувофиқ, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларида таълим олишга йўналтириладиган суммаларига даромад солиғи солинмайди.

— **Талабага ажратилган кредитлар тижорат банклари томонидан қандай тартибда ва муддатда ўтказиб берилади?**

— Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 кун мобайнида кўриб чиқиб, кредит шартномаси имзолангандан кейин, таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб-рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

Маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда, йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини тенг икки қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талаба-

лар учун бошланғич тўлов ушбу йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун кейинги йилнинг 15 мартигача тўланади. Қолаверса, ўқинишнинг иккинчи йилидан бошлаб, кредит тўловлар сентябрь ва март ойларининг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

— **Кредит олган талаба, мобода бирор сабаб билан талабалар сафидан чиқарилса, кредитни қайтариш муддати-га қандай ўзгартиш киритилади?**

— Талаба ўқиш даври тугамасидан талабалар сафидан чиқарилса, таълим муассасаси раҳбарияти, ректорнинг буйруғи чиққан кундан бошлаб 10 иш кунини мобайнида банкка хабар бериши керак. Қарз олувчи эса, уч ой муддатда таълим кредити ва унга қўшилган фоизларни тўлиқ қайтариши талаб этилади. **Тоштемур ХУДОЙКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эълон

- 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:

инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
- 4.4. Молиялаштириш:

лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;

- объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;

лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:

кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;

экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг

ПАСПОРТИ

(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи                                             | Ўлчов бирлиги           | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|-------|---------------------------------------------------------------|-------------------------|---------------------|------|
| 1.    | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:                       | минг долл.              |                     |      |
| 1.1.  | миллий валютада                                               | млн. сўм                |                     |      |
| 1.2.  | хорижий валютада                                              | минг долл.              |                     |      |
| 2.    | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:                       | минг долл.              |                     |      |
| 2.1.  | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун                         | минг долл.              |                     |      |
| 2.2.  | қурилиш-монтаж ишлари учун                                    | минг долл.              |                     |      |
| 3.    | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси                         | млн. сўм                |                     |      |
| 3.1.  | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун                 | млн. сўм                |                     |      |
| 3.2.  | қурилиш-монтаж ишларига                                       | млн. сўм                |                     |      |
| 4.    | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони                      | киши                    |                     |      |
| 4.1.  | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида             | киши                    |                     |      |
| 5.    | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси                 | йил                     |                     |      |
| 6.    | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган махсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ |                     |      |
| 6.1.  | шу жумладан, экспорт учун                                     | ўлчов бирлигига мувофиқ |                     |      |

Тадбир

СЕРЖАНТЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ



Шавкат АҚРАМОВ олган сурат.

Ички ишлар идоралари учун етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларнинг жанговар шайлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилган эди.

Ушбу даргоҳда шу даврга қадар ички ишлар идораларининг патруль-пост хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишлардаги хизматлар учун саккиз минг нафардан ортиқ мутахассис сержант-

лар тайёрланди.

Куни кеча курсантларнинг навбатдаги битирувига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Академия бошлиғи полковник Ш.Икромов тадбирни очар экан, ушбу таълим муассасасида курсантлар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида чуқур билим олиб, танлаган мутахассисликларининг сир-асрорларини

пухта ўзлаштирганликларини таъкидлади. Улар ИИВ Академияси Олий курсларининг битирувчиси деган юксак номни оқлаб, Ватан олдидаги бурчларини шараф билан бажаришларига ишонч билдирди. Шундан сўнг курсантларга дипломлар топширилди.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов битирувчиларни ҳаётидаги унутилмас воқеа билан табриклаб, жумладан шундай деди:

— Бугун сиз, азиз битирувчилар учун ҳаётингиздаги энг унутилмас, ҳаяжонли кундир. Чунки она-Ватан олдидаги муқаддас бурчингизни аъло даражада бажариш учун мустақил ҳаётга қадам босиш арафасида турибсизлар. Эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулият касбни танлаган экансиз, бунда сизлардан, аввало метин ирода, юксак касб маҳорати талаб этилади. Шундай экан, ушбу таълим масканида олган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаб, Ички ишлар вазирлиги ва Академия раҳбарияти томонидан билдирилган юксак ишончнинг оқлашингиз ҳамда келгусида хизмат вазифангизни бажаришда бор куч-ғайратингизни сафарбар этишингизга ишонаман.

...Қадамлари шахдам, қарашлари ўтнам сержантлар дипломни қўлига олар экан, Ватанга сadoқат билан хизмат қилишга қасамёд қилдилар.

Равшан ШОДИЕВ.

«Осиё чемпионати — 2012»

ДОСТОН ПОЛВОН – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Мьянмада ўтган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ўзбекистонлик ўсмирлар битта олтин ва иккита бронза медал билан умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

Терма жамоамиз ҳисобига олтин медални 62 килограмм вазн тоифасида Достон Ёкубов келтирди.

Иқтидорли полвонимиз штангани даст ва силтаб кўтаришда 250 килограмм натижа қайд этиб, Осиё

чемпиони бўлди. Рўзимурод Асланов ва Файзулло Набиев ўз вазн тоифаларида бронза медалга сазовор бўлди.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда Сардор Дўстмуродов ва Мухаммад Юсупов штангани даст ва силтаб кўтариш ҳамда иккикураш

натижасига кўра, учтадан кумуш медални қўлга киритди. Оғир вазнли спортчимиз Даврон Кенжаев штангани даст кўтаришда 139 килограмм натижа қайд этиб, бронза медал билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

«СЕНИ ШАРАФЛАЙМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

«ЎЗБЕКНАВО» ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ, «TERRAGROUP» КОМПАНИЯСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎТГАН ЙИЛДАН БОШЛАБ ТАШКИЛ ЭТАЁТГАН «МАРДУ МАЙДОН» ЖОНЛИ ИЖРОДАГИ ҚЎШИҚЛАР ФЕСТИВАЛИ ЭСТРАДА, АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК ВА АКАДЕМИК ВОКАЛ ЙЎНАЛИШИДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ КАШФ ЭТАЯПТИ.

Ҳозирги кунда фестивалда ўз иқтидорини намоён этган Умида Хўжаева, Шерзод Ортиқов, Эътибор Отажонов ва каби ёш ижрочилар катта байрам тадбирларида ҳам қатнашиб, мухлислар назарига тушишди. Уларга «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан имтиёзли лицензиялар берилди. Фестиваль доирасида ўтказилган кўрик-танловларда ғолиб бўлган шундай ёш ижрочиларни янада рағбатлантириш мақсадида юртимизнинг нуфузли санъат хошонасидаги катта концертда куйлаш имконияти берилди. Пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида ушбу фестиваль совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида катта концерт ўтказилди.

Концертдаги жонли ижро томошабинларга бошқача таъсир қилади, — дейди Ўзбекистон санъат арбоби Темур МАХМУДОВ. — Минглаб томошабинлар олдида куйлаётган ижодкорга ҳам катта масъулият юқлайди. Концертимизни бежизга марду майдон деб атамадик, чунки созандалар ҳам, қатнашувчилар ҳам жонли ижро этадилар. Бун-

дай ижро уларнинг маҳорати ўсишига ёрдам бериши билан бирга, томошабинларнинг тинглаш маданиятини юксалтиради. Шубҳасиз, бундай концерт томошабинларнинг ҳам, ижодкорларнинг ҳам ёдида бир умр сақланиб қолади. Ишончим комил, мана шу истеъдодли ёшлар ўзбек санъатининг келажаги.

— Шундай катта саҳнада бизнинг жонли ижрода куйлашимизнинг ўзи катта бир шараф, — дейди. Ўзбекистон Давлат консерваториясининг 4-курс талабаси Жавохир ҲАСАНОВ, — дейди. Бугун тенгдошларим қатори менга ҳам ишонч билдирилганидан бахтиёрман. Тўғри, миллий эстрада йўналишида жонли кўшиқ ижро этаётганимда ҳаяжонландим, лекин томошабинларнинг олқишларини эшитганимда мени шундай даражага етказган устозларимдан миннатдор бўлдим.

Жонли ижрода ташкил этилган бу катта концерт боқий кўшиқчилик санъатимиз анъаналарини тиклашга ва уларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Альбина ЖУМАНОВА

Реклама

**ЎЗБЕКИСТОН**  
**РЕСПУБЛИКАСИ МХХ**  
**ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ**  
**ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун

**ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

**Иш вақти ҳар куни соат 10-00 дан 18-00 гача.**

Корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйдаги манзилга юборишлари мумкин:

**Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-А уй.**



**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO»**  
**МЧЖ АХБОРОТИ**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO»** масъулияти чекланган жамияти томонидан 2012 йил 25 октябрь кунги ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси балансидаги

д/р 01/769FAA бўлган «Тико»-9 000 000 сўмга,  
д/р 01/273MBA бўлган «Тико»-10 000 000 сўмга,  
д/р 01/784FAA бўлган «Дамас»-24 000 000 сўмга,  
д/р 01/603MBA бўлган «Нексия»-17 000 000 сўмга,  
д/р 01/749EAA бўлган «Нексия»-24 000 000 сўмга,  
д/р 01/718EAA бўлган «Нексия»-18 000 000 сўмга,  
д/р 01/592ZBA бўлган «Опель Вектра»-9 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

**Гувоҳнома № 005357**

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

**ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

| ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: |                                                                                                               |                                  |                                     |                 |
|---------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|-------------------------------------|-----------------|
| №                                           | Объект номи ва жойлашган манзили                                                                              | Буюртмачи бошлангич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошлангич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
| 1.                                          | Тайлоқ туманидаги Гулба қишлоғида 540 ўринли «Тадбиркорлик ва сервис» касб-хунар коллежи қурилиши             | 3 649 466 913 сўм                | 4 379 360 295 сўм                   | 8,5 ой          |
| 2.                                          | Самарқанд шаҳридаги 360 ўринли «Автомобиль ва йўллар» касб-хунар коллежини реконструкция қилиш                | 2 638 649 493 сўм                | 3 166 379 391 сўм                   | 8,5 ой          |
| ЛОТ 1-5:                                    |                                                                                                               |                                  |                                     |                 |
| Лот-1                                       | Ургут туманидаги «Тиббиёт» касб-хунар коллежини реконструкция қилиш (100 ўринли ётоқхона биноси қурилиши)     | 827 973 693 сўм                  | 993 568 431 сўм                     | 8 ой            |
| Лот-2                                       | Иштихон туманидаги «Педагогика» касб-хунар коллежини реконструкция қилиш (50 ўринли ётоқхона биноси қурилиши) | 471 416 362 сўм                  | 565 699 634 сўм                     | 7 ой            |
| Лот-3                                       | Нуробод туманидаги «Иқтисодиёт» касб-хунар коллежини реконструкция қилиш (50 ўринли ётоқхона биноси қурилиши) | 475 914 198 сўм                  | 571 097 038 сўм                     | 7 ой            |
